



НОКИМИ

ХОКИМИ

141100, Samarqand viloyati Nurobod tumani Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarqand.uz

2014 йил «11» июль

ҚАРОР

№ 343-қ

Ер участкаси ажратиш ва  
қурилишга рухсат бериш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш қамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорини ижросини таъминлаш мақсадида. Нуробод шаҳри бош режасининг муаллифи «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан 2014 йил 10 июн кунидаги №1-10/2202 сонли келишув хати ва баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кумитасининг 2014 йил 14 май кунидаги №732 сонли давлат экологик экспертизаси хулосаси, Нуробод шаҳри Наврўз маҳалласи, Ёшлар кўчаси 4 уй, 29 хонодонда яшовчи фуқаро Пармонова Дилфуза томонидан Нуробод шаҳар Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган бош режага асосан бугунги кунда бўш турган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.15 гектар ер майдонига тайёр ёғочдан эшик ромлар яшаш устахонаси, савдо мажмуаси ва офис биноларини қуришга рухсат бериб ер майдони ажратиб беришни ўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокими 2011 йил 18 августдаги №81-қ сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2014 йил 23 июндаги даволатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод шаҳри Наврўз маҳалласи, Ёшлар кўчаси 4 уй, 29 хонодонда яшовчи фуқаро Пармонова Дилфуза томонидан Нуробод шаҳар Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган бош режага асосан бугунги кунда бўш турган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.15 гектар ер майдонига тайёр ёғочдан эшик ромлар яшаш устахонаси, савдо мажмуаси ва офис биноларини қуришга рухсат берилиб, ер майдони ажратилсин.

2. Фуқаро Пармонова Дилфузага қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:



- қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:
- тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:
- қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (А.Рахимов)га фуқаро Пармонова Дилфуза томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини ““Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Н.Куйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5. Фуқаро Пармонова Дилфуза томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими 

Ж. Ибрагимов